

Куч – адолатда

Адл ила олам юзин обод қил!

2026 йил
27 феврал,
жума
№ 8
(1094)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.kuch-adolatda.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

СУРХОНДАРЁ ТАРАҚҚИЁТ САРИ ДАДИЛ ОДИМЛАМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев 26 февраль куни ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнлари билан танишиш учун Сурхондарё вилоятига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари амалий сифатини анъанага кўра, Ҳақим Термизий мақбараси зиёратидан бошлади. Қуръон тиловат этилиб, халқимизга, юртимизга тинчлик-фаровонлик тилаб, дуо қилинди.

Уламолар билан бўлиб ўтган суҳбатда ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аллома, ватандошимиз Ҳақим Термизийнинг маънавий-маърифий меросини чуқур ўрганиш ҳамда юртдошларимиз ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиш ҳақида сўз юритилди.

Шунингдек, муқаддас динимизнинг эзгулик, инсонпарварлик, меҳр-шафқат каби буюк фазилатлари, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириш, шу асосда ёш авлодни эзгу ғоялар руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Кейинги йилларда таъмирланиб, янада обод ва гўзал мажмуага айланган ушбу табаррук масканда зиёратчилар учун барча шароит яратилди. Атроф ободонлаштирилиб, мақбарада ҳам катта ҳажмдаги ишлар бажарилди. Замонавий ёриткичлар, иситиш ва совитиш тизимлари ўрнатилди. Мажмуада микроклим яратиш учун тўрт мингдан ортиқ 40 турдаги кўп йиллик манзарали дарахт, 20 мингдан зиёд мавсумий анвойи гуллар экилган.

Ислом илмларининг тафсир, ҳадис, фикҳ, калом, ислом фалсафаси, тасаввуф тарихи, тасаввуфий қарашлар каби соҳаларида кўплаб асар ёзган мутафаккир мажмуасини обод сақлаш, зиёратчилар учун қўлайликларни кенгайтириш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида Термиз туманидаги “Томорқа мактаби”га ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб сув ҳўжалигида маҳаллийлаштирилган техника ва ускуналар тақдими билан танишди.

Сув тежаш технологиялари ва замонавий ирригация тизимларини маҳаллий шароитда ишлаб чиқариш орқали харажатларни камайтириш, иқлим ўзгариши шароитида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, фермер ва аҳолининг талабини тезкор таъминлаш мумкинлиги таъкидланди.

Президентимиз бу йўналишга янада кўпроқ эътибор қаратиш, бунда илмий

ҳамкорликни кучайтириш зарурлигини қайд этди.

“Томорқа мактаби” аҳолини ўз томорқаларидан самарали фойдаланиш, сердаромад экин турларини жорий этиш, маҳсулотларни қайта ишлаш, сақлаш ва қадоқлашнинг замонавий усулларини ўргатишга ихтисослашган. Муассаса банкларнинг молиявий кўмагида фаолият юритмоқда.

Энг муҳими, бу ерда ишсиз ва кам таъминланган оилаларнинг барқарор даромад таъминоти эга бўлишига кўмаклашилади. Мазкур жараёнда деҳқончиликнинг илмий асослари, юқори даромадли маҳсулот этиштириш технологиялари ва замонавий томорқачилик усуллари амалий равишда ўргатилмоқда.

Иновацион мактаб Термиз, Музработ, Қизирик, Бандихон, Ангор ва Жарқўрғон туманларини қамраб олган бўлиб, унинг таркибига ўқув биноси, уч гектар иссиқхона ҳамда уч гектар ўқув-тажриба майдони мавжуд.

Иссиқхонада Сурхондарё шароитига мослаштирилган банан, папайя, розмарин, лаванда, лимон, анжир, брокколи, булғор қалампир ва бошқа экинлар этиштирилмоқда. Шунингдек, кўчатчилик ва гулчилик йўлга қўйилган, томчилатиб сугориш тизими жорий этилган.

Мактабда Сурхондарё шароитида бир йилда уч марта ҳосил олиш амалиёти ўқитилмоқда. Ўқув жараёнига олимлар, мутахассислар ва тажрибали деҳқонлар жалб этилган.

Шу пайтга қадар 1300 га яқин ишсиз ва камбағал оила аъзоси махсус курсларни тугатиб, ўз томорқаси ёки ижара ерларидан самарали фойдаланиш орқали ўзини ўзи банд қилган. Ҳоким ёрдамчилари ҳар ойда 220 нафардан, йилга 2700 нафаргача томорқа ва ижара ер эгаларини ўқишга йўналтирмоқда. Тингловчилар учун йўлланма ёки ваучер тизими орқали ўқиш харажатлари қоплаб берилди.

Курсда қатнашувчиларга юқори даромадли экинлар экиш ва бир сотих ердан ўртача 10-15 миллион сўм даромад олиш методикаси амалиётда кўрсатилади. “Агростар” компаниялари эса тингловчиларни уруғ ва кўчатлар билан таъминлаб, этиштирилган маҳсулотларни харид қилишни ташкил этади.

Давлатимиз раҳбари мактабда томорқадан уч марта ҳосил олиш амалиёти, саноатлашган боғлар ва сув тежовчи технологиялар тақдими билан танишди. Мева-сабзавотларни қайта ишлаш ва экспорт қилиш билан шуғулланувчи тадбиркорлар билан мулоқот қилиб, қайта ишлаш ва қўшилган қиймат яратиш, ҳудуд учун янги бўл-

ган ўсимликлар, шу жумладан, цитрус ва тропик мевалар этиштиришни ўзлаштириш муҳимлигини таъкидлади.

Яратиб берилган имкониятлардан, ажратилган маблағлардан оқилона фойдаланаётган воҳада аҳолининг тўкин, фаровон яшашига янги-янги ғоялар асосида ёндашилаётгани одамларнинг даромадини ошириб, ҳудудларнинг камбағаллик даражасини пасайтирмоқда. Жумладан, бундан икки йил аввал вилоятнинг камбағаллик даражаси 10,5 фоизни ташкил этган бўлса, ўтган йил якуни билан бу кўрсаткич 4,5 фоизга тушди. Бу йил воҳанинг камбағаллик даражасини 2,8 фоизга тушириш мўлжалланаётди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Термиз шаҳрида “Тўпаланг” сув омбори сувидан фойдаланиш ҳисобига Сурхондарё вилоятида ичимлик суви таъминотини яхшилаш лойиҳасининг амалий натижаларини кўздан кечирди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда сув ҳўжалиги тизимини ислоҳ қилиш, ирригация инфратузилмасини янгилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасида тизимли бажарилмоқда.

Сурхондарё вилоятида амалга оширилган ушбу 287 миллион долларлик мегалоиҳа ҳам соҳада эришилган натижалардан бири саналади.

Мазкур ташаббус доирасида ўтган йиллар давомида катта ҳажмдаги қурилиш, монтаж ишлари амалга оширилди. Замонавий механизмларнинг йўлга қўйилиши натижасида бугун минералларга бой ичимлик суви вилоятнинг ўнта тумани ва Термиз шаҳрига узлуксиз етказиб берилди.

Сурхондарёда марказлашган ичимлик суви билан қамров саккиз-тўққиз йил олдин 47 фоиз эди. Бугун ушбу рақам 67,5 фоизгача ошишига эришилди. Натижада аҳолининг сув таъминотидаги ҳолати нафақат микдор, балки сифат жиҳатдан ҳам сезиларли яхшиланди.

Президент бу каби йирик энергетик, технологик ва ижтимоий самарадор лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ҳар жиҳатдан зарурлигини таъкидлади. Бундай тажрибаларни келгусида мамлакатнинг бошқа ҳудудларида ҳам қўллаш мумкинлигига эътибор қаратди.

Техник жиҳатдан лойиҳанинг катта ютуғи 246 километр магистрал ва ички тармоқнинг барпо этилиши бўлди. Муҳими, гидравлик ҳисоблар асосида босимни насосиз узатиш имконияти яратилди. Бу нафақат энергия сарфини кескин камайтиради, балки тизимнинг барқарорлигини таъминлайди. Айнан шу инновацион ёндашув тўғрисида Термиз шаҳри, Ангор, Бандихон,

Қизирик, Шеробод ва Музработ каби туман марказларига сув электр энергия сарфисиз етказиб берилди.

Мазкур ташаббус ортдан бугунги кунда 223 та маҳаллада обиҳаёт таъминоти мустаҳкамланди. Сувнинг қаттиқлик даражаси эса икки бараваргача камайтирилди. Сифатнинг ортиси аҳоли саломатлиги ва маиший жиҳозлар хизмат мuddати узайишида муҳим омил ҳисобланади.

“Шимолӣ” сув ишлаб чиқариш иншоотида ташкил этилган геоахборот маркази эса тизимнинг реал вақтда назорат қилинишига шароит яратди. Босим пастлаши, авария ҳолатлари, сув йўқотиш каби масалаларни бир неча дақиқада аниқлаш имконияти туғилди.

Сув таъминоти яхшиланиши сабабли ҳудудлардаги юздан ортиқ ер ости сув қудуқларидан фойдаланишга эҳтиёж қолмади. Бу экологик юкни камайтиради.

Шунингдек, лойиҳа натижасида йилга 18,4 миллион киловатт-соат электр энергияси тежаб қолинади. Бу маблағ ва ресурс жиҳатидан 18,5 миллиард сўм иқтисод қилинишини аниқлатади. Истеъмолчиларнинг биллинг тизимига уланиши эса сувни ҳисоблашда шаффофликни оширди, қарздорликни камайтирди.

Яна бир муҳим жиҳати, бу ердаги 10 гектар майдонда 6418 киловатт-соат қувватдаги куёш панеллари ўрнатилди.

Давлатимиз раҳбари шу ерда вилоятнинг гидроэнергия кўрсаткичлари ҳамда соҳада амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар тақдими билан танишди. Вилоятда ҳали ечилмаган сув таъминоти масалаларини тезкор ҳал этиш бўйича вазифаларни белгилаб берди. Хусусан, эски насос агрегатларини энергия тежамкор технологияларга алмаштириш, тармоқларни модернизация қилиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Жарқўрғон туманида қурилаётган “Янги Ўзбекистон” массивини бориб кўрди.

Мамлакатимизда аҳоли учун муносиб яшаш шароитларини яратиш, замонавий ва шинам турар жойлар барпо этиш ишлари изчил кенгаймоқда. Президентнинг 2021 йил 12 октябрдаги фармонида мувофиқ “Янги Ўзбекистон” массивлари қурилиши ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида барпо этилаётган шундай лойиҳалардан бири Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманида қад ростламоқда.

(Давоми 2-бетда) ►

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиёти рақамлашув босқичига жадал қилиб бораётган бир пайтда молиявий хизматлар соҳаси, хусусан, халқаро тўлов тизимлари ва молиявий технологиялар иқтисодий ўсишнинг муҳим драйверларидан бирига айланмоқда.



Шахсга доир МАЪЛУМОТЛАР

электрон тижорат ва рақамли хизматлар бозорининг ривожига хизмат қилади

Сўнги йилларда мамлакатимизда ҳам рақамли иқтисодиётни жадал ривожлантириш, нақдсиз тўловлар улушини ошириш, электрон тижоратни кенгайтириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун замонавий молиявий хизматларни жорий этиш борасида тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, онлайн тўлов тизимларини ривожлантириш, QR-код орқали тўловларни кенгайтириш, маҳаллий банклар ва халқаро тўлов операторлари ўртасида интеграцияни мустаҳкамлашга қаратилган қатор ҳуқуқий ва ташкилий чоралар қўрилди.

(Давоми 3-бетда) ►



Кутбиддин БУРҲОНОВ,
Олий Мажлис Сенати
Суд-ҳуқуқ ва коррупцияга
қарши курашиш қўмитаси
раиси

Хеч кимга сир эмаски, судда фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий ишларни кўриш жараёнида жиноят аломатлари ҳам аниқланиб қолади. Бундай ҳолатда суд прокурорга хабар қилади. Натижада иш бўйича адолат юзага чиқиб, қонун устуворлиги таъминланади.

Мезон



Маъмурий ишдаги далил жиноят иши қўзғатилишига сабаб бўлди

Бу ҳақда батафсил фикр юритишдан бўлсак, Республика Савдо-саноат палатаси Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан акциядорлик тижорат “Халқ банки” манфаатини кўзлаб,

Фарғона туманларо маъмурий судга киритилган ариза-шикоятни кўриш жараёнида ҳам жиноят аломати аниқланди.

(Давоми 3-бетда) ►

Президентимизнинг Америка Қўшма Штатларида амалий ташрифи жаҳон ҳамжамияти диққат марказини бир нуқтада жамлаган, нуфузи ва тарихий аҳамияти билан миллионлаб инсонлар ҳаётига тинчлик олиб кириши қўтилаётган анжуман билан чамбарчас боғлиқ бўлди. Мамлакатимиз геосиёсий тафаккури, иқтисодий стратегияси ва глобал масъулиятини ҳам яққол ифода этади бу муҳим воқеа.

Ушбу ташриф асосида мамлакатимиз нафақат икки томонлама муносабатларини янги босқичга олиб чиқди, балки халқаро майдонда ташаббускор, прагматик ва масъулиятли давлат сифатида ўз позициясини янада мустаҳкамлади.

Ўзбекистон эндиликда Тинчлик кенгашининг таъсисчиларидан бири сифатида конструктив ташаббуслари, инсонпарварлик тамойилла-

Муносабат

Уммонортидан тинчлик ва дўстлик нафаси

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО НУФУЗИДА ЯНГИ ТАРИХИЙ БОСҚИЧ



Ойбек РАҲИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси Экология ва
атроф-муҳитни муҳофазат
қилиш масалалари
қўмитаси аъзоси

рини халқаро миқёсда илгари сурмоқда. Бу куни кеча Вашингтон шаҳрида Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирок этган Тинчлик кенгашининг биринчи саммитида ҳам ўз ифодасини топди. Ав-




вало, бу нуфузли анжуманда мамлакатимизнинг таъсисчи давлатлар қаторида иштирок этиши Ўзбекистон халқаро сийсий жараёнларда эндиликда ташаббусларни илгари сураётган давлат мақомига кўтарилганини аниқлатади.

Кенгашининг илк тарихий саммитида нутқ сўзлаган давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлаши ва уни амалий жиҳатдан рўйбага чиқаришда фаол иштирок этишини қатъий баён қилди.

Ҳазо секторини қайта тиклаш, гуманитар ёрдам кўрсатиш ва минтақада барқарор тинчликни таъминлаш масалалари дунё етакчиларининг мухоама марказида бўлди.

(Давоми 2-бетда) ►



Ўлмас УМАРБЕКОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси


Қизимга мактублар

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Ниҳоят, ҳамма нарса ойдинлашди. Нур, кимёвий терапия ўлимдан асраб қолишига ҳеч ким кафил бўлмади. Лекин жароҳатланган қисмларни торайтириб, осонроқ операцияга олиб келиши мумкин. Баъзида мутлақо одамни соғайтириб,

рак балосидан қутқаради. Татьяна Дмитриевна, у тавсия қилган радиолог врач Сергей Иванович шундай фикрда. Ажаб эмас, Худонинг хоҳиши билан менга канадек ёпишган касалдан халос бўлиб кетсам! Ноумид — шайтон.

(Давоми 4-бетда) ►



Муносабат

Уммонортидан тинчлик ва дўстлик нафаси

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО НУФУЗИДА ЯНГИ ТАРИХИЙ БОСҚИЧ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Энг муҳими, Ўзбекистон раҳбари илгари сурган принциплар позиция — ҳар қандай ташқи бошқарув механизми сектор аҳолисининг ички қўллаб-қувватлашига таяниши лозимлиги барча иштирокчилар томонидан фаол қўллаб-қувватланди.

Бу баёнот орқали Ўзбекистон халқаро муносабатларда адолат ва ҳуқуқ устуворлиги тамойилини қўллаб-қувватлашни намояндаларди. Президентимиз турар жойлар, мактаблар, боғчалар ва касалхоналар барпо этишга таяёрлигини билдирди. Бу эса Ўзбекистоннинг инсонпарварлик сиёсатига нақадар амалий содиқлигини кўрсатади. Мамлакатимиз тинчлик ва барқарорликни таъминлашга нафақат сиёсий музокаралар, балки ижтимоий инфратузилмани тиклаш орқали ҳам интиладиётганини намояндаларди.

Ташрифнинг ишбилармонлик дастури доирасида имзоланган икки томонлама ҳужжатлар мазмунан ва қамров жиҳатидан стратегик характерга эга эканини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Ёқилғи қуйиш шохобчалари тармоғини қуриш, ёмғирлатиб сўғориш технологияларини жорий этиш, муҳим минералларни қазиб олиш ва етказиб бериш, паррандачилик кластерларини ташкил этиш, агросаноат ва молия бозорини ривожлантириш каби йўналишлар икки мамлакат учун ҳам долзарб аҳамиятга эга. Бу тармоқлар иқтисодий ўсишнинг драйвер соҳаларига аниқ туртки бериш, сайёрамаздаги иқлим ўзгаришлари шароитига мослашиш ва экологик талафотлар таъсирини пасайтириш демакдир.

Масалан, ёмғирлатиб сўғориш технологиялари сув сарфини ўртача 30-40 фоизгача қисқартириш имконини беради. Сув ресурслари чекланган мамлакат шароитида бу рақам оддий статистика эмас, балки стратегик тараққиётда барқарорлик кўрсаткичидир. Агар сув сарфи қисқарса, маҳсулот таннархи пасаяди, ернинг унумдорлиги ошади, экспортбop қиймат занжири яратилмайди. Демак, бир технология орқали аграр самарадорлик, озиқ-овқат хавфсизлиги ва ташқи савдо мувозанати бир вақтнинг ўзида таъсир кўрсатиш мумкин бўлади.

Тарихий ташриф шуни исботлади: Янги Ўзбекистон бугун ташқи сиёсатда томошабин эмас, аксинча, ташаббус билдирмоқда, ғоя тақдир қилмоқда ва амалий натижага эришиш йўлида давом этмоқда. Ана шундай ёндашув мамлакатимиз халқаро нуфузини янги бошқичага олиб чиқмоқда.

роитда хомашё экспортга боғланиб қолиш стратегик хатодир. Агар қазиб олиш билан чекланиб қолмасдан, тўла қайта ишлашга ўтилса, мамлакат саноат архитектура-си мутлақо янги бошқича кўтарилари. Бу эса юқори технологияли иш ўринлари, юқори даромад ва иқтисодий мустақиллик демакдир.

Ташриф доирасида ҳудудлараро алоқаларни мустаҳкамлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Мамлакатимиз ҳудудлари раҳбарларининг Америка қўшма штатларига ташрифларини ташкил этиш вази-фаси қўйилди. Бу қарор инвестицияни бевосита жойларга олиб кириш ва рақобатбардор локал иқтисодий моделларни шакллантиришга қаратилгандир. Яъни дипломатия ҳавойи тушунча эмас, балки аниқ корхона, аниқ ишлаб чиқариш майдонини ва аниқ иш ўрнида яққол кўринади.

Албатта, ушбу ташрифни тарихий деб баҳолаш учун етарли асослар мавжуд. **Биринчидан**, Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари институционал ва узоқ муддатли шериклик бошқичага кўтарилди.

Иккинчидан, иқтисодий прагматизм ва глобал тинчлик ташаббуслари бир форматда уйғунлаштирилди.

Учинчидан, мамлакатимиз халқаро майдонда ташаббускор ва масъулиятли давлат сифатида намояндалар бўлди.

Энг муҳими, бу ташриф келгуси йиллар тараққиёти учун яна бир стратегик пойдевор бўлиши, шубҳасиз. Чунки бугун имзоланган келишувлар эртага янги иш ўринлари, янги технологиялар, янги қиймат занжирлари ва янги иқтисодий имкониятлар шаклида намояндалар бўлади. Тинчлик кенгаши доирасидаги ташаббуслар эса, Ўзбекистоннинг глобал масъулиятли давлат сифатидаги ўрнини мустаҳкамлайди.

Вашингтонда бошланган жараён — бу давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг янги саҳифаси, кенгроқ маънода эса — Ўзбекистоннинг стратегик фикрлайдиган, узоқни кўра оладиган ва халқаро майдонда ўз ташаббусларини баралла айтишга қодир давлат сифатида шаклланаётганининг ёрқин ифодасидир.

Тарихий ташриф шуни исботлади: Янги Ўзбекистон бугун ташқи сиёсатда томошабин эмас, аксинча, ташаббус билдирмоқда, ғоя тақдир қилмоқда ва амалий натижага эришиш йўлида давом этмоқда. Ана шундай ёндашув мамлакатимиз халқаро нуфузини янги бошқичага олиб чиқмоқда.

СУРХОНДАРЁ ТАРАҚҚИЁТ САРИ ДАДИЛ ОДИМЛАМОҚДА

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Чўл ҳудудини ўзлаштириш ҳисобига бунёд этилаётган массивнинг 50 гектарига 116 та кўп қаватли уй қурилиши режалаштирилган. Ҳозиргача поликлиника, 180 ўринли боғча, 330 ўринли мактаб ва маҳалла биноси фойдаланишга топширилиб, 68 та уйдаги 1,5 мингта хонадонга аҳоли кўчиб кирди.

Шунингдек, ахборот технологиялари ва инглиз тили ўқув маркази иш бошлаган, 7 та микромарказ ҳамда 5 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объекти қурилган. Ичимлик суви, иссиқлик тармоқлари, 3 километрга яқин газ қувури тортилиб, 250 киловаттли трансформатор ўрнатилган. 4,5 гектар ерга манзарали ва мевали дарахтлар, дашт ҳудудидаги 300 гектар майдонга эса саксовул ўсимликлари экилган.

Келгусида бу ерда яна 50 га яқин уй қурилиши кўзда тутилган. Хусусан, жорий йилда яна 14 та (280 хонадонли) кўп қаватли уй-жой, янги йўллар, истироҳат боғи қуриш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилиши режалаштирилган.

Мамлакатимизда замонавий уй-жой қурилишига қаратилаётган юксак эътибор вилоятнинг урбанизация даражасини 35,6 фоиздан 36,2 фоизга ўстирди. Аини пайтда воҳадаги 1 минг 722 та кўп қаватли уйдаги 44 мингта хонадонда 160 мингдан ортққ киши истиқомат қилиб келмоқда. 2018 йилгача вилоятда 1 минг 240 дан ортққ кўп қаватли уй мавжуд эди. Кейинги 9 йилда 481 та осмонўпар турар жой биноси қурилиб фойдаланишга топширилди. Уй-жой фонди 603 мингтага етиб, аҳолининг турар жой билан таъминланганлик даражаси 69 фоизни ташкил этди. Жорий йил яна 9 минг 500 хонадонли 172 та кўп қаватли уй қад ростланди.

Ташриф чоғида Президентимиз массив ҳудудида фаолият юритаётган “Янги ёшлар” бошқарув сервис компанияси иши билан танишди. Компания тумандаги 161 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатади, шундан 54 таси мазкур массивда жойлашган. Ҳудуддаги кўп қаватли уйлар томига 5-15 киловаттлик қуёш панеллари ўрнатилган.

Инклюзив таълим ҳар бир боланинг, жисмоний ёки ақлий ҳолатидан қатъи назар, мактабга бориши ва сифатли таълим олишини таъминлашни назарда тутди.

Давлатимиз раҳбари массивдаги 66-мактабда яратилган шарт-шароитлар, хусусан, ногиронлиги бўлган болалар учун ташкил этилган имкониятлар билан танишди.

Мактабда бугун 500 дан зиёд ўқувчи таълим олмақда. Ногиронлиги бор болаларни замонавий стандартлар асосида ўқитиш учун алоҳида ёндашувлар жорий этилган, 50 га яқин махсус мутахассис ва педагоглар фаолият юритмоқда. Мактаб ҳовлиси, йўлақлар, ўқув хоналари, овқатланиш хонаси, спорт зали ҳамда муолажа хонаси зарур шароитлар билан таъминланган.

Давлатимиз раҳбари мактабда яра-

тилган шароитлар билан танишар экан, сунъий интеллект, рақамлаштириш билан боғлиқ йўналишларнинг бугунги ёшлар ҳаёти, келажаги учун нақадар муҳимлигига эътибор қаратди. — Сунъий интеллектга ўқитиш дастурларини бежиз мактаблар таълимига жорий этмаяпмиз, ўқувчилар олий таълим муассасаларини, меҳнат бозори ва келажақ касбларига тайёр бўлиб боришларини истаймиз, — деди Президент.

Шундан сўнг Президентимиз массивдаги хорижий тиллар ва ахборот технологиялари ўқув марказини кўздан кечирди.

6,5 миллиард сўм ҳисобига барпо этилган 400 ўринли мажмуа йилига 2 мингдан ортққ ёшга таълим олиш ва лойиҳалар устида ишлаш имкониятини беради. Бу ерда 200 нафарга яқин ўқувчи компьютер саводхонлиги ва front-end йўналишларини муваффақиятли яқунлаб, сертификат олган. 150 нафарга яқин ўқувчи IELTS имтиҳонларида В2 ва ундан юқори натижаларни қайд этган. Марказда 20 га яқин мутахассис фаолият юритмоқда.

Давлатимиз раҳбари ёшларни илмга йўналтириш, жумладан, хорижий тилларни ўргатишга қаратилган бундай мажмуалар аҳамиятига алоҳида тўхталди.

— Бугун бундай марказларнинг келажак интилишларини қўллаб-қувватлашимиз, керак бўлса, уларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириб, хорижий ҳамкорлар билан боғлашимиз лозим. Шундагина ота-оналар фарзандларини ишонч билан мана шундай марказларда ўқитади, — деди Президент.

Кўклам яқинлашиши билан ҳудудларда баҳорий байрам сайилларини уюштириш аънаъга айланган. Президентимиз массивдаги сумалак сайлида иштирок этиб, аҳоли билан бирга шодийна кайфиятда бўлди, бу ерда истиқомат қилаётган инсонларнинг самимий фикрларига қулоқ тутди.

— Бугун жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистонга ҳурмат билан қарамоқда, халқимиз учун яратилаётган шароитларни кўриб, ислохотларнинг самарасига гувоҳ бўлмоқда. “Янги Ўзбекистон” массивлари ҳам одамларимиз фаровон ҳаёт кечириши, шинам уйларда яшашини учун барпо этилапти. Мен доим “таълим-таълим” деб бежиз айтмаяпман. Билимимиз, мана шундай бунёдкорона меҳнатимиз билан юртимизнинг обрў-эътиборини янада юксалтириб, дунёда муносиб ўрин эгаллаймиз. Сурхондарёнинг эли меҳнатқаш, танти, бу ерда ҳали кўп янгилликларни амалга оширамиз, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари Сурхондарё вилоятида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмаси ҳамда хорижий инвесторлар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган йирик лойиҳалар тақдироти билан ҳам танишди.

Сўнгги йилларда вилоятда тадбиркорлик жадал ривожланиб, инвесторларнинг ҳудудга қизиқиши тобора ортмоқда.

Ўтган йили вилоят яли ҳудудий

маҳсулот ҳажми 63,7 триллион сўмга етди. Йирик саноат корхоналари қарийб 30 тага, кичик корхоналар 4 минг 820 тага етказилиб, 18,8 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. 2,1 миллиард доллар қийматидаги хорижий инвестиция ўзлаштирилди. Дунёнинг 37 давлатига 483 миллион долларлик маҳсулот ва хизматлар экспорт қилинди.

Давлатимиз раҳбарига тақдимот қилинган лойиҳалар вилоят иқтисодиётининг турли тармоқларини қамраб олган. Уй-жой қурилиши, тоғ-кон саноати ва геология, енгил саноат, озиқ-овқат, энергетика, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика, таълим, хизмат кўрсатиш ҳамда туризм соҳаларида янги қувватларни ишга тушириш назарда тутилган.

Умумий қиймати қарийб 1,6 миллиард доллар бўлган лойиҳалар Россия, Хитой, Туркия, Покистон, Япония, Германия, Ҳиндистон, Мўғулистон билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари инвесторлар билан суҳбатлашди.

Шундан сўнг жамоатчилик вакиллари иштирокида Сурхондарё вилоятида умумий қиймати 7,1 миллиард доллар бўлган 44 та лойиҳани ишга тушириш ва бошлашга бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев рами-зий тугмани босиб, тоғ-кон саноати, геология, енгил саноат, мебелсозлик, озиқ-овқат, хизмат кўрсатиш ва туризм соҳаларида янги лойиҳаларнинг қурилиши ва фаолиятини бошлаб берди.

Жумладан, Хитой, Туркия, Ҳиндистон, Покистон, Россия, Тожикистон ва маҳаллий инвесторлар иштирокида 741 миллион долларлик 13 та лойиҳа ишга туширилди.

Шунингдек, Австрия, Германия, Нидерландлар, Хитой, Ҳиндистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Россия ва Афғонистон давлатлари билан ҳамкорликда 6 миллиард 300 миллион долларлик 31 та лойиҳа бўйича қурилиш ишлари бошланди.

Ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилиши ҳисобига 18 мингта янги иш ўрни яратиш, 82 триллион сўмлик саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва бунинг натижасида 1 миллиард 400 миллион долларлик маҳсулотларни экспорт қилиш имконияти пайдо бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондон Шавкат Мирзиёев Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида ҳарбий қисмда ҳам бўлди.

Мамлакатимиз мудофаа тизимида амалга оширилаётган кенг қамламли ислохотлар қўшинларнинг жанговар салоҳияти ва ҳарбий-маъмурий секторлар фаолиятини янада юксалтиришда муҳим омилига айланмоқда.

Мазкур қисмда ҳам ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш учун барча шароит яратилган. Ўқув бинолари, ошхона, ётоқхона, маънавият ва маърифат хоналари, спорт шаҳарчаси энг замонавий техника ва ускуналар билан жиҳозланган.

Ҳозирги кунда турли минтақавий можароларда сунъий интеллект, робот, ракета, дрон ва уларга қарши воситалар кенг қўлланилмоқда. Шундан келиб чиқиб, Олий Бош Қўмондон томонидан қўшинларда дронлар ва уларга қарши қурашиш, сунъий интеллект билан ишлайдиган кибертузилмалар, роботлашган техникаларни қўллаш ва ҳаво ҳужумидан мудофаа бўйича янги бўлинмаларни ташкил этиш вази-фаси қўйилган эди.

Бу борада тизимли ишлар амалга оширилмоқда, миллий армиямиз замонавий курул-аслаҳалар билан таъминланмоқда.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий қисмда яратилган шароитлар, ҳарбий техника ва курул-аслаҳаларни, шу жумладан, замонавий ҳаво ҳужумидан мудофаа комплексларини кўздан кечирди.

Миллий армиямизни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилашда замонавий курул-аслаҳалар, хавфсизлигимизга мавжуд таҳди-лар ва ҳарбий ҳаракатлар те-атри хусусиятларини ҳисобга олиш зарурлиги таъкидланди.

Қуролли Кучларимизнинг салоҳиятини ошириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шахсий таркибнинг шайлигини юксалтириш юзасидан белгиланган вази-фалар ижросини изчил давом эттириш бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Термиш шаҳрида барпо этилган этношаҳарчага ташрифи буюрди.

Ушбу лойиҳа Сурхондарё тарихи, хунармандчилиги ва аънавий санъати намуналарини намояндалар этиш учун замонавий инфратузилмага эга янги маданий маскан сифатида яратилди.

Мажмуа 10 миллион долларлик инвестиция ҳисобидан барпо этилди. Олти гектар майдонда тарихий қиёфадаги бинолар, оилавий меҳмон уйи, дўмбира устaxonаси, бахшичилик экспозицияси, миллий таомлар ресторани, болалар учун уйин майдончаси ҳамда мусиқий фавворалар қад ростлаган.

Шаҳарча йилига 180 минг нафар сайёҳга хизмат кўрсатиш қувватига эга, бу ерда 250 нафар одамга доимий иш ўринлари яратилади. Меҳмонлар нафақат хунармандларнинг маҳсулотларини харид қилишлари, балки уларнинг ишини кузатишлари ҳам мумкин.

Президентимиз туризм масканига яратилган шароитлар билан танишди, хунармандлар билан мулоқот қилиб, ташриф буюрувчилар учун ташкил этилган бадий дастурни томоша қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Сурхондарё вилоятига ташрифи давом этмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,
Икром АВВАЛБОВЕВ,
Абдулазиз РУСТАМОВ,
Беҳруз ХУДОЙБЕРДИЕВ,
ЎЗА махсус муҳбирлари

● Жиноят ва жазо

Маккор аёлнинг

ва жирканч иш билан шуғулланиши учун сотган экан...

Шу ўринда ушбу жиноий ҳодиса тафсилотлари баёнини кейинга қолдириб, одам савдоси жинояти ва унга қарши курашиш борасидаги халқаро ҳамда мамлакатимизда амалда бўлган ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, бу борада олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар хусусида бироз фикр юритсак.

Маълумки, одам савдоси жинояти дунё миқёсида глобал муаммо сифатида кенг жамоатчиликни ташвишлантирмоқда. Жиноятчиликнинг ушбу муҳим турига қарши курашиш ва унинг олдини олиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қатор тавсиявий ҳамда бажарилиши мажбурий ҳужжатлари қабул қилинган.

Мисол учун БМТнинг 1949 йилги “Одам савдосига ва унинг шахслар томонидан танфурушқидан фойдаланишга қарши кураш тўғрисида”, 1956 йилда қабул қилинган “Куллик ва қўл савдосини,

қулликка ўхшаш институтлар ва одаларни бекор қилиш тўғрисида”ги қўшимча Конвенциялари, шунингдек, 2000 йилда расмийлаштирилган “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш ҳақида”ги Конвенцияни тўлдирувчи “Одамлар, айниқса, аёллар ва болалар савдосини тўхтатиш, олдини олиш ва унинг учун жазо тўғрисида”ги баённомани кўрсатиш мумкин.

Мамлакатимиз миллий қонунчилигида одам савдоси, шу каби мажбурий меҳнатга қарши курашиш борасида муҳим ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Энг асосийси, бу борада мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди. Болалар меҳнатга ва мажбурий меҳнатга йўл қўйганлик учун жавобгарлик чоралари қучайтирилди. Буни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Жиноят кодексларига киритилган ўзгариш ҳамда қўшимчалардан ҳам билиб олиш мумкин.

Халқимизнинг шарқона табиатида ҳаётда қийналган одамга ёрдам қўлуни чўзиш, белиннат муруват кўрсатиб, оёққа туриб олишига кўмаклашишдек эзу ва хайрли амаллар азалдан мавжуд.

Бироқ ўзини меҳр-оқибатли, саховатли, савобталаб қилиб кўрсатиб, содда одамларнинг ишончига қирадиган, сўнгра ана шу ишончини суистеъмол қилиб, унинг ортидан пул ишлаб олишга уринадиган кимсалар ҳам йўқ эмас.

Сорахон (исм-шарифлар ўзгартирилди) қўлида тайин хунари йўқ, шу сабабли муқим бир ишда ишламайди, кекса ота-онаси билан яшаса-да, уларга оғирни тушмаслиги учун одамларнинг майда-чўйда ишларини қилиб, оз-моз пул топади. Ўтган йил 16 май куни тасодифан Мавжуда Тешаева исмли аёл билан танишиб қолади. Бунга М.Тешаеванинг худди эски кадрдонлардек меҳрибонларча сўрашгани, оилавий шароити билан қизиқгани сабаб бўлганлиги.

Ҳаётда бироз бўлса-да, қийналган содда кўз меҳрибон аёлни тақдир қутилмаганди ўзига рўбарў қилганидан қувониб кетди. Чунки М.Тешаева Самарқанд шаҳар, Қорасув масканидаги кўп қаватли уйлардан бирида хонадонни борлиги, ўзи билан бирга яшаб, ҳар куни ишга

чиқиб келиши мумкинлигини айтганлиги.

Шу куни Сорахон М.Тешаеванинг уйда тунайди. Кечкурун иккаласи бирга овқатланишади. М.Тешаеванинг уйку олдиан худди ўз уйидек эмин-эркин, тортинмай

2020 йил 17 августда “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонуннинг янги тахрирда қабул қилинганлиги муҳим воқеа сифатида эътироф этилди. Янги тахрирдаги қонунда одам савдосига қарши курашиш бўйича муҳим тамойиллар билан биргаликда, асосий тушунчаларга аниқ таъриф берилганки, бу одам савдоси билан шуғулланувчиларни жиноий таъқиб этиш, шу каби жабрланувчиларнинг манфаатларини мустаҳкам ҳимоялашда ҳуқуқий асос вази-фасини ўтамоқда.

яшаши мумкинлиги ҳақидаги гапларини Сорахон тақрор эсларкан, хонадон эгасига нисбатан меҳри тобора ошиб бораётганлиги.

Эртаси куни эрталаб нонушадан сўнг Сорахон М.Тешаевадан уйдан кийим-кечакларини олиб келиш учун такси чақириб беришини сўрайди. Кўп ўтмай М.Тешаева такси қонунчилигини айтгач, улар бирга кўп қаватли уйнинг ҳовлисига тушишади. “Матиз” русумли автомашина экан. Автомашинани эгаси М.Тешаеванинг таниши бўлса керак, улар “Матиз”нинг салонига ўтириб, нималарнидир узоқ гаплашади.

Кейин М.Тешаева автомашинадан тушади ва “таксига ўтиринг, сизни уйингизга олиб бориб, олиб келади” дейди. Аммо автомашина ҳали ҳаракатланмасидан қутилмаган воқеа рўй беради, М.Тешаевани ички ишлар ходимлари ушлайди. Тинтув чоғида унинг ёнидан 2 миллион сўм чиқади. Сорахон кейинчалик билса, М.Тешаева уни 2 миллион сўм эвазига “Темур” исмли кимсага саунада ишлатиш

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Шу билан бирга, амалдаги айрим қонун нормалари халқаро тўлов тизимларининг мамлакатимиз бозорига кириб келишини чеклаётди. Бу эса, рақамли иқтисодиёт ривожига тўсиқларни юзага келтирмоқда.

Бу ўринда, жумладан, "Шахсга доир маълумотлар тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсига доир маълумотларини йиғиш, сақлаш ва қайта ишлаш, асосан, республика ҳудудида жойлашган серверларда амалга оширилишини қайд этиш лозим. Ушбу талаб шахсга доир маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш нуктаи назаридан муҳим аҳамиятга эга бўлса-да, амалиётда у айрим салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Жумладан, халқаро онлайн тўлов тизимлари ва интернет платформалари Ўзбекистон бозорига киришда тўсиқлик қилиб, электрон тижорат соҳасида рақобат

2025 йил учун Ўзбекистонда инвестиция иқлимига оид баёнотида "Шахсга доир маълумотлар тўғрисида"ги қонун нормалари халқаро онлайн тўлов компаниялари фаолиятини сезиларли даражада чеклаётган омил сифатида кўрсатилган.

Бугунги кунда дунёда энг кенг тарқалган онлайн ва

шига хизмат қилмоқда.

Бироқ Ўзбекистон фуқаролари мазкур тизимдан фойдаланиши учун ўз шахсига доир маълумотларини, жумладан, фамилияси, исми, банк картаси реквизитлари, яшаш манзили ва бошқа маълумотларни тизим асосисига бўлган хорижий компанияга тақдим этиши талаб

са, дастурий таъминот, ахборот тизимлари ва рақамли маҳсулотлар яратиш билан шуғулланувчи мутахассислар хорижий буюртмачилардан тўловларни расмий каналлар орқали қабул қила олмайти; **учинчидан**, тўловларни "айланма йўллар" орқали амалга ошириш амалиёти кенгайиб, бу "яширин иқтисо-

назарда тутилмоқда. Бунга қўра, **биринчидан**, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мажбурий тарзда сақлашни лозим бўлган шахсга доир маълумотлар рўйхати аниқ белгиланмоқда. Бунда биометрик ва генетик маълумотлар ҳамда телекоммуникация операторлари хизматларидан фойдаланувчи жисмоний шахсларга оид маълумотлар алоҳида тоифа сифатида кўзда тутилмоқда. **Иккинчидан**, бошқа турдаги шахсга доир маълумотларни чет элга узатиш, уларни қайта ишлаш ва сақлаш учун аниқ талаблар киритилмоқда. Жумладан:

- хорижий давлатларда маълумотлар хавфсизлигини етарли даражада таъминлаш;
 - ваколатли давлат органи талабларига риоя этиш;
 - халқаро ахборот хавфсизлиги стандартларини жорий қилиш белгиланмоқда.
- Учинчидан**, Вазирлар Маҳкамасига шахсга доир маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлайдиган давлат рўйхатини тасдиқлаш ваколатини бериш назарда тутилмоқда.

Ушбу янги қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда электрон тижорат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун ҳуқуқий асослар мустаҳкамланишига, халқаро тўлов тизимлари ва интернет платформаларининг Ўзбекистон бозорига кириб келиши рағбатлантирилишига, аҳоли ва тадбиркорлар учун замонавий молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилишига, "яширин иқтисодиёт" улуши қисқаришига, шуниингдек, хорижий сайёҳлар учун қулай тўлов муҳити яратилишига хизмат қилади.



Моҳият

Шахсга доир МАЪЛУМОТЛАР

электрон тижорат ва рақамли хизматлар бозорининг ривожига хизмат қилади

контактсиз тўлов хизматларидан бири — "Google Pay" тизимидир. Бу тизим 2011 йилда Google компанияси томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозирги кунда 97 та давлатда фаолият юритади ва 150 миллиондан ортиқ

этилади. Ушбу маълумотлар эса, Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида жойлашган серверларда сақланади. Зотан, бу ҳолат амалдаги қонунчилик талабларига зид ҳисобланади.

Натижада мамлакатимиз

диёт" ҳажмини ошириш хавфини келтириб чиқармоқда; **тўртинчидан**, хорижий сайёҳлар учун нақдсиз тўлов хизматларининг чекланганлиги мамлакатнинг сайёҳлик жозибдорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Соҳадаги шу каби мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида "Шахсга доир маълумотлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинди.

Олий Мажлис Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан маъқулланган ушбу қонун асосида "Шахсга доир маълумотлар тўғрисида"ги қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши

“Ўзбекистон фуқаролари мазкур тизимдан фойдаланиши учун ўз шахсига доир маълумотларини, жумладан, фамилияси, исми, банк картаси реквизитлари, яшаш манзили ва бошқа маълумотларни тизим асосисига бўлган хорижий компанияга тақдим этиши талаб этилади. Ушбу маълумотлар эса, Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида жойлашган серверларда сақланади. Зотан, бу ҳолат амалдаги қонунчилик талабларига зид ҳисобланади.

муҳити чекланмоқда. Натижада аҳоли ва тадбиркорлар замонавий, қулай ва хавфсиз халқаро тўлов хизматларидан фойдаланиш имкониятидан маҳрум бўлмоқда.

Мазкур масала халқаро даражада ҳам қайд этилмоқда. Жумладан, АҚШ Давлат департаментининг

фойдаланувчиларга эга. Эътиборли жиҳати шундаки, "Google Pay" Марказий Осиё мамлакатларидан Қозоғистон, Қирғиз Республикаси ва Тожикистонда муваффақиятли жорий этилган. Бу воқелик минтақадаги рақамли тўлов инфратузилмасининг жадал ривожлани-

аҳолиси ва тадбиркорлар халқаро тўлов тизимларидан фойдаланишда чекловларга дуч келмоқда. Оқибатда:

биринчидан, электрон тижорат ва рақамли хизматлар бозорининг ўсиши секинлашмоқда;

иккинчидан, ўзини ўзи банд қилган шахслар, айниқ-

Қиш фасли тугаб, баҳор ойи бошланган паллада Рамзиддиннинг (исм-шарифлар ўзгартирилди) отаси тўсатдан вафот этди. Бу қутилмаган мусибатдан унинг боши гангиб қолди. Отасининг маъракаларини ўтказишга пул керак.

Қарз кўтариши мумкин бўлган маҳалладошларини кўз ўнгидан ўтказаркан, Бахтишодга келганида тўхтади. Минг бир истиҳола билан унга кўнғироқ қилди ва муддаосини айтди. Бахтишод йўқ демади, маҳалладаги ошхонада учрашиб, келишиб оладиган бўлишди.

Ошхонада эса Элёр деган йигит билан танишиб қолади. У дабдурстдан суҳбатга аралашади:

— Мен банкда ишлайман. Он-

Жиноятга жазо муқаррар!

Фирибнинг янги усули судланувчини темир панжара ортига равона қилди

лайн кредит олиб беришим мумкин. Янги танишининг таклифи Р.Абдусатторовга маъқул тушади. Элёр эса, вақтни ўтказмайди, ўзининг қўл телефонидан уни суратга олади.

Кейин улар Р.Абдусатторовнинг уйига келиб, фуқаролик паспортини ҳам расмга туширади. Элёр бу орада "Сиз опен бюджетга овоз бе-

риб юборин" дея Бахтишодни ҳам суратга туширади. Бахтишоднинг фуқаролик паспортни ёнида экан,



уни ҳам суратга тушириб олади.

(Суд очерки)

(Давоми 4-бетда) ▶

Ҳийласи



Айниқса, 2020 йил 17 августда "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги қонуннинг янги тахририда қабул қилинганлиги муҳим воқеа сифатида эътироф этилди. Янги тахрирдаги қонунда одам савдосига қарши курашиш бўйича муҳим таъминотлар билан биргаликда, асосий тушунчаларга аниқ таъриф берилганки, бу одам савдоси билан шуғулланувчиларни жинойий таъқиб этиш, шу каби жабрланувчиларнинг манфаатларини мустаҳкам ҳимоялашда ҳуқуқий асос ва зифасини ўтамоқда.

Энди юқоридега воқеа тафсилотларига қайтадиган бўлсак, судланувчи М.Тешаева кўчадан уйига бошлаб келган С.Мамаражабовани одам савдоси билан шугулланувчи одам савдосига қарши курашиш мақсадида топшириш орқали сотиб, бойлик орттиришни мақсад қилган. Ҳўш, ўзини сахий, ҳожатбарор, савобталаб қилиб кўрсатган бу аёл аслида ким ўзи? Очигини айтганда, "қаҳрамонимиз"нинг турмуши биров ҳавас қиладиган эмас. Оиласидан ажрашган, 2 нафар вояга етмаган фарзанди бор, яқка тартибдаги меҳнат фа-

олияти билан шуғулланган, муқаддам судланмаган. Самарқанд вилоят ИИБ эксперт криминалистика бўлимининг 2025 йил 26 майдаги судга оид кимёвий экспертиза хулосаси М.Тешаевани айбдор эканлигини очиклаганки, бу ҳақда ўқувчининг қимматли вақтини олишга ҳожат йўқ кўринади.

Судда сўроқ қилинган судланувчи айбига тўлиқ иқрорлик билдирди. С.Мамаражабовани билан танишгач, унга раҳми келиб, ўзи яшаб турган Самарқанд шаҳридаги хонадонга олиб келган. Шу куни унга олдиндан таниш бўлган саунада ишловчи "Темур" кўнғироқ қилиб, қиз кераклигини айтган. Шунда Сорахондан "СПА" салонида ишлашга розилигини сўраб, сўнг "Темур"га кўнғироқ қилган ва 2 миллион сўм эвазига уни топширишини билдирган.

Суд тергов органи томонидан судланувчи М.Тешаевага Жиноят кодексининг 135-мод-

даси 1-қисми билан қўйилган айбловни муҳокама қилди. Иш ҳужжатларидан ва суд муҳокамасида судланувчининг жинойий қилмиши тўлиқ исботини топди.

Бир қарашда, М.Тешаеванинг ҳаракатларида Жиноят кодексининг 135-моддаси 2-қисми "к" бандида назарда тутилган фоҳишалик билан шуғулланишга жалб этиш мақсадида одам савдоси жиноятини содир этишда ифодаланган жиноят аломатлари бордек кўринади. Аммо ушбу банд, яъни

Жиноят кодексининг 135-моддаси 2-қисмига 2025 йил 19 майдаги 1065-сонли қонун билан ўзгартиш киритилган. Бу жинойий қилмиш эса, ушбу қонун қабул қилинишидан илгар, яъни 2025 йил 17 май куни содир этилган. Ана шу сабабга қўра, суд тергов органи томонидан унинг ҳаракатлари жиноят содир этилган вақтда амалда бўлган қонун, яъни Жиноят кодексининг 135-моддаси 1-қисми билан

тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблади. Суд судланувчига нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда Олий суд Пленумининг "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги қарори раҳбарий тушунтиришларига асосланди. Суд М.Тешаевага нисбатан жазонинг муқаррарлигини таъминлади, унга ушбу олти ой муддатга озодлиқни чеклаш жазоси тайинлади.

Гувоҳи бўлганингиздек, қутилмаган мурувват, аслида, маккор аёлнинг ҳийласи бўлиб чиқди.

Донишманд халқимиз "Одамнинг оласи ичида" деб бежизга айтмаган. Бундан шундай хулоса келиб чиқади: танимаган, билмаган, озгидан бол томиб гапирган, ўзини меҳрибон қилиб кўрсатган одамга ишонанвермаслик керак. Соддалик ва ўта ишонувчанлик одам савдоси қурбонига айланб қолишга сабаб бўлиши мумкин.

Жаҳонгир АРСЛАНОВ, жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар суди раисининг ўринбосари
Абдухамид ХУДОЙБЕРДИЕВ, "Куч – адолатда" муҳбири

■ Мезон

Маъмурий ишдаги далил жиноят иши

Кўзгатилишига сабаб бўлди

◀ (Бошланиши 1-бетда) Унда Давлат кадастрлар палатаси Фарғона вилояти бошқармаси мансабдор шахсларининг 2024 йил 11 декабрдаги хабарномасида ифодаланган ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиб, бошқарма зиммасига 2021 йил 14 сентябрь куни нотариал тасдиқланган ипотека шартномасини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбуриятини юклаш сўралган.

Гап шундаки, нотариал тасдиқланган ипотека шартномасига биноан, фуқаро Ҳафизахон Сўпиевага (исм-шарифлар рўйхатидан ўтказиш мажбуриятини юклаш сўралган).

Натижада кредит шартномасига асосан, "Халқ банки"нинг Қувасой тумани филиали томонидан "Quvasoy Shohimardon durdonalari" фермер хўжалигига наслии чорва молларни сотиб олиш мақсадида, йиллик 14 фоиз устама тўлаш шарт билан 84 ой муддатга 856 миллион 800 минг сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилган.

Бироқ миқдор кредитни ўз вақтида қайтармагани сабабли Савдо-саноат палатаси Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси банк манфаатини кўзлаб, судга даъво аризаси киритган. Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судининг 2023 йил 7 апрелдаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилиб, фермер хўжалиги, қўшимча жавобгарлар Ҳафизахон Сўпиева ва Ҳайитхон Аҳмаджоновадан жами 1 миллиард 75 миллион 403 минг сўм кредит қарздорлигини ундириш ҳамда ундирувчи гаровдаги мулкларга қаратиш белгиланган.

Шундан сўнг Мажбурий ижро бюроси Қувасой шаҳар бўлими томонидан ушбу ҳал қилув қарори бўйича ижро иши юритилган. Ижро ҳаракатлари давомида эса, нотариал тасдиқланган ипотека шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилмагани аниқланган. Бинобарин, банкнинг Фарғона вилояти филиали Давлат кадастрлар палатаси Фарғона вилояти бошқармасига мурожаат қилиб, ипотека шартномасини давлат рўйхатидан ўтказишда амалий ёрдам сўраган.

Маълумки, "Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида"ги қонуннинг 61-моддасида "Ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш чоғида нотариус ёки банк рўйхатдан ўтказувчи органга ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризининг, ипотека тўғрисидаги шартноманинг, кредит шартномасининг ёки қарз шартномасининг электрон кўчирма нусхасини тақдим этиш", деб белгиланган.

Шу боис бошқарманинг 2024 йил 11 декабрдаги жавоб хатида мулкдор ёки унинг ишончли вакили мурожаат қилганидан сўнг ипотека шартномаси давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризининг, ипотека тўғрисидаги шартноманинг, кредит шартномасининг ёки қарз шартномасининг электрон кўчирма нусхасини тақдим этиш, деб белгиланган.

Суд мажлисида нотариал тасдиқланган ипотека шартномасида қайд этилган нотурар бино-иншоотларнинг кадастр ҳужжатлари билан бугунги кунда "UzKAD" платформасидаги ҳужжатларда қарама-қарши ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар борлиги аниқланди. Буни судда иштирок этган тарафларнинг ўзлари ҳам инкор этишмади. Ҳозирги кунда ҳужжатлардаги қарама-қаршилиқ ёки бузиб кў-

сатилган маълумотларни тўғри-лаш имконияти мавжуд эмаслиги ҳам аён бўлди.

Энг ажабланирлиси, нотариус томонидан ҳужжатнинг барча нусхаларига унинг моҳиятини ўзгартирмайдиган қўшимчаларни киритиш ёки унинг аниқ арифметик хатола-рининга тузатишга мултасдиқланган ипотека ки гаровга қўйилган, яъни ипотека шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилишига қаршилик кўрсатаётган тарафлар монелик қилганлиги аниқланди. Ваҳоланки, ҳужжатлардаги камчиликларни бартараф этмай туриб, ипотека шартномасини қонунда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиб бўлмайди.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 174-моддасида "Агар суд низои кўраётганида шахсларнинг ҳатти-ҳаракатларида жиноят аломатларини аниқласа, у жиноят ишини кўзгатиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун бу ҳақда тегишли материалларни олишга қаратилган ҳал қилув қарори қабул қилади", деб белгиланган.

Ана шу асосларга таянган суд шикоят аризасини рад этиш юзасидан ҳал қилув қарори қабул қилди. Шу билан бирга, "Халқ банки"нинг Қувасой тумани филиали, Қувасой шаҳар "Ермулқадас" давлат корхонаси, "Quvasoy Shohimardon durdonalari" фермер хўжалиги, Ҳафизахон Сўпиева ва Ҳайитхон Аҳмаджоновааларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш, жиноят ёки ҳуқуқбузарлик аниқланган тақдирда, айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал этиш учун Қувасой шаҳар прокуратурасига хабарнома юборди.

Буни қарангки, суд хабарномаси юзасидан ўтказилган текширишда "Quvasoy Shohimardon durdonalari" фермер хўжалиги томонидан ҳужжатларни қалбакилаштириш йўли билан имтиёзли кредит маблағлари талон-торож қилинган аниқланди. Яъни фермер хўжалиги мансабдор шахслари 856 миллион 800 минг сўм эвазига Украина давлатидан 32 бош наслии қорамол олиб келади. Аммо қорамолларни нақд пулга сотиб юборишади.

Улар қорамолларни сотишдан тушган пулларни кредит қарздорлигига йўналтириш ўрнига шахсий эҳтиёжларига сарфлайди. Шунинг учун Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Қувасой шаҳар бўлими томонидан фермер хўжалиги мансабдор шахсларига нисбатан Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми "а" банди, 228-моддаси 2-қисми "б" банди ва 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

Ҳулоса қилиб айтганда, бугунги кунда Президентимиз томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдига фермер ва тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, уларни ҳимоя қилиш масаласи энг долзарб вазифалардан бири сифатида қўйилган. Шундан ушбу ҳолатга қўйилган ҳам бу юксак ишончли суиистеъмол қилмасликларни керак.

Солижон ҚУРБОНОВ, Фарғона вилояти маъмурий суди судьяси

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Қароримни, Шенталнинг келиб кетганини ва унинг муносабатини Зухрага айтиш учун телефон-автоматга шонилдим. Бирон соатдан сўнг ўзи ҳам келади. Лекин сабрим чидамасди. Вужудимга қайтган қувват, нисбий бир тинчлик билан уни ҳам тинчитгим келиб кетди. Аммо улгурмадим. Зухра ўзи кириб келди. У кеча кечкурун Паго-сов билан узоқ гаплашибди. Ҳар доим операция тарафдори бўлган хирург бу гал менинг қароримни маъқуллабди. Мен эса, Зухрага Шентал билан эрталабки суҳбатимни айтиб бердим. Операцияга рози эмаслигимнинг яна бир томони бор эди. Зухра аёл боши билан, агар операция фожияли тугаса, мени соппа-соғ олиб келиб, тобутда юртимга олиб кетишга чидай олмайди. У билан фалокат юз берса, Худо кўрсатмасин, ё оғир касалга чалиниб қолса, Умида нима бўлади? Йўқ, мен тўғри йўлданман. Беш кун олдин, беш кун кейин. Аммо уйга, Худо хоҳласа, ўз оёғим билан кетаман, уйимиз эшигини ўз қўлларим билан очаман, оёқда туриб, қизим, укаларим, дўст-биродарларим билан кўришаман.

Шуларни ўйлаб, ёзиб ўтириб, машҳур афсона эсимга тушиб кетди. Эсингизда бўлса керак, қарга билан бургут ҳақидаги афсона...

Қарга бургутга мақтанибди:
— Мен уч юз йилдан зиёд яшайман. Сен эса, ўттиз йил ҳам умр кўрмайсан. Бургут унга шундай дебди:
— Сен уч юз йил ҳар кунни чирик нарса, мурда қидирасан. Мен фақат қони қотмаган гўшт ейман. Розиман ўз ҳаётимдан.

Бу афсонанинг менга маъқул бир томони бор эди. Мажрўх бўлиб, жисмонан яримта бўлиб, номигагина узоқ яшашдан кўра, танамдаги биронта аъзоимни кестирмасдан шу ёшимда оламдан ўтганим маъқул.

Болаликни ҳисобга олганда, эсимни танганимдан бери эллик олти ёшимгача дярли касаллик нималигини билмай яшадим. Бу — Худонинг менга кўрсатган марҳамати. Минг қатла шўр. Қизим учун яшаб, уни эр-хотин бир бўлиб, оёққа турғазаси, яхшилаб узатсак, унинг бахтли яшашига ишонч ҳосил қилсак — бўлди. Менга шу кифоя.

— Зухрани палатада қолдириб, радиология ва нурланиш бўлимига кетдим. Йўлақдан йўлакка, ойнавандли



Тарих тилсимлари

Қизимга мактублар

узун осма даҳлиздан икки марта айланиб ўтиб, марказ минорасининг биринчи қаватида жойлашган радиология ва нурланиш бўлимининг эшигини очиб кирдим. Сергей Иванович ўзида экан. Ҳамкасби Лимаков Борис Иванович билан маслаҳатлашиб, мени бўлим бошлиғи, профессорга аввал кўрсатиб олишни лозим топганини айтди. Бирпас кутди. Профессор кела солиб, мени қақирди, кўрди. Кейин менсиз узоқ гаплашибди. Ниҳоят, Сергей Иванович чиққанидан сўнг қабул қилинган режани айтиб берди. Эртага, яъни 4 нобрда эрталаб яна бир марта профессорнинг таклифларини инobatга олиб, қаерларимга қанчадан нур беришни рентгенхонада, томографда мўлжаллаб олишади. Қайси кунлари нур беришларини, қайси кунлари кимёвий терапия билан даволашни, мен англаб етмаган яна бир чорани — гцаротермияни ҳисоб-китоб қилиб чиқишади. Жума кундан бошлаб, даволашга киришишади.

Палатага келиб, бўлган гапни Зухрага айтиб бердим. Айтгандек, йўлда мен ётган бўлим профессорларидан бирига дуч келдим. У консилиумда қатнашган эди.

— Хўш, нимада тўхтадингиз? — сўради у.

— Операция қилдирмайман, — деди унга.

— Жуда тўғри. Инсоннинг ҳамма аъзоларини операция қилиш мумкин. Лекин яшаш керак-ку?! — деди у. — Даволанинг, операция қочиб кетмай-

ди. Агар зарурат пайдо бўлиб қолса, албатта.

Зухра Рихсивой Раҳмоновичнинг онасидан хабар олиб, пастдаги пансионда овқат қилиб келмоқчи бўлди.

— Яхши гўшт олиб келганман. Қўй қовурғаси. Азизахон, оналари ҳам хурсанд бўлишади.

Қаршилик билдирмадим. Ёлғиз қилиб, қўлимга қалам олдим ва, соғлом кунларимдагидек, ушбу мактубларни энгиллик билан ёза бошладим.

3

Умида! Энди буюғини эшит...

Эрталаб радиология ва нурланиш бўлимига бордим. Мени қайтадан рентгенга солишди, компьютерли томографда кўришди. Кўрагим, бўйнимга кўк бўёқдан янги белгилар кўйилди. Бу белгилар аввалгиларидан пастроқда, кўрагимнинг кўпроқ қисмини эгаллаган эди. Демак, мен тўғри қарор қилибман. Агар операцияга рози бўлганимда, шу белгилар кўйилган жойлар арраланарди, кесиларди. Оқибати нима билан тугарди — айтиш қийин. Балки ростмана одамларга ўхшамай, томоғимдан нафас олаётган анчайин мураккаб аҳволим яна ўн, балки юз чандон оғирлашармиди! Қадимни ростлаб юролмай қолармидим! Бунга бугунги белгилардан сўнг тўла ишондим. Татьяна Дмитриевнага радиологиядаги ишларимни айтиб бердим. Сергей Иванович Таачев, Борис Дмитриевич Лимаков Татьяна Дмитриевна билан бирга энди мени даво-

лашади. Эртага соат ўн бирда кўпдан бери айтиб келишадиган кимёвий до-рини томиримга қуйишади. Ярим соат ўтгач, нурланиш хонасига кираман. Қанча «грей» нур беришади — билмайман. Ҳар ҳолда, биринчи марта камроқ беришга керак.

Татьяна Дмитриевнага ишониб қолдим, деб айтган эдим. Энди узоқ вақт мен билан шуғулланадиган радиолог-докторлар ҳам менга ёқди. Иккаловининг қаршида самимият бор. Мен ўзимни уларга ишониб топширдим.

Менинг бир ҳикоялар ва қиссалар китобим бор. Унга «Оқ қалдирғоч» деб ном қўйганман. Олтмишинчи йилларнинг охиридаги Булгорияда бўлганимда булғор адабиётининг машҳур, эл орасида катта обрўга эга классик ёзувчиси Елин Пелиннинг шу номдаги ҳикоясини ўқиган эдим. Ҳикоя катта эмас. Мазмуни шундай. Бир деҳқон бугдой пишиғи маҳали далага, ўримга кетаётганида бўйига етган қизи ҳам унга эргашади. Ҳамма ўртоқларим кетишяпти, мени ҳам олиб бориб, деб отасидан илтимос қилади. Ота рози бўлади. Ёз. Кун иссиқ. Қиз далада бир дарахнинг остида ўримдан чарчаб дам олгани ётади ва ухлаб қолади. Уйқусида кўраги муз бўлиб кетаётганини сезади. Чўчиб уйғониб қараса, кўраги устида кулча бўлиб, илон ётган эмиш. Дод солиб, қиз уни улоқтиради. Ҳамма унинг овозини эшитиб, югуриб келади. Қиз бўлган воқеани айтиб беради. Шу кундан бошлаб, у касалга чалиниб қолади: овқатланмайди, ухламайди, кўнгли ағдариладиган бўлиб қолади.

Ота-она уни ҳамма яқин орадаги шифокорларга, табибларга кўрсатишади. Аммо қиз тузалмайди. Кимдир уларга қизингиз оқ қалдирғочни кўриши керак, шунда тузалади, деб маслаҳат беради. Эр-хотин аравага қизларини ётқизиб, оқ қалдирғоч қидириб кетишади. Улар телеграф устунларига тортилган симёғочлар остида қишлоқма-қишлоқ, шаҳарма-шаҳар узоқ кезишади, оқ қалдирғочни топишга қизларини ишонтиришади. Қиз шу ишонч билан яшайди. Умид билан симёғочларга, осмонга тикилади.

Татьяна Дмитриевна ўз ҳамкасблари билан менга шундай ишонч беришди. Нурланиш, кимёвий терапия бундан бу ёғига менинг оқ қалдирғочим. Мен уни топаман, уни кўраман. Зора, бу гўзал, беозор куш менга ҳам Худонинг шифосини олиб келса!

(Давоми келгуси сонда)

Мулоқот

Савол беринг, жавоб берамиз

— *Айтинг-чи, судда қандай сабабларга кўра, апелляция шикоятни кўрмасдан қолдирилиши мумкин?*

Б. ҲАМДАМОВА,
Тошкент вилояти



— Сизнинг саволингизга амалдаги қонунларимиздан аниқ жавоб топиш мумкин. Хусусан, амалдаги Иқтисодий процессуал кодексининг 272-моддасига асосан, агар апелляция шикояти (протести) иш юритишга қабул қилинганидан сўнг унинг имзоланмаганлиги ёки уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган ёхуд мансаб мавқеи ёки фамилияси ва исми, отасининг исми кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланганлиги аниқланса, апелляция инстанцияси суди апелляция шикоятини (протести) кўрмасдан қолдиради.

Бундай вазиятда суд томонидан апелляция шикоятини (протести) кўрмасдан қолдириш тўғрисида ажрим чиқарилади ва унинг кўчирма нусхалари ишда иштирок этувчи шахсларга юборилади. Апелляция шикоятини кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ажрим устидан тафтиш тартибида шикоят қилиниши мумкин.

Апелляция шикоятини кўрмасдан қолдириш учун асос бўлган ҳолатлар бартараф этилгач, судга янгидан шикоят билан мурожаат қилиш мумкин.

— *Айтинг-чи, судга далилларни тақдим этиш мажбурияти кимнинг зиммасида бўлади?*

Ж. НОРБЕКОВ,
Жиззах вилояти



— Сизнинг саволингизга жавобан шуни айтиш керакки, судда ҳар бир тараф ўз талаб ва эътирозларини асослайдиган ҳолатларни ўзи исботлаши шарт. Хусусан, амалдаги Иқтисодий процессуал кодексининг 69-моддасига мувофиқ, далиллар ишда иштирок этувчи шахслар томонидан тақдим этилади.

Агар суд мавжуд далиллар етарли эмас деб ҳисобласа, ишнинг объектив ҳолатларини аниқлаш ва низоми тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган қўшимча далилларни тақдим этишни таклиф қилиши мумкин. Ишда иштирок этувчи шахс ишда иштирок этувчи ёки иштирок этмайдиган шахсдаги зарур далилни мустақил олиш имконига эга бўлмаса, ўша далилни талаб қилиб олиш тўғрисида судга илтимоснома билан мурожаат қилишга ҳақли. Илтимосномада шу далил билан иш учун аҳамиятли қандай ҳолатлар аниқланиши мумкинлиги, далилнинг аломатлари ва унинг жойлашган жойи кўрсатилиши зарур.

Далилни талаб қилиб олиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш натижалари бўйича ажрим чиқарилади. Далилни та-

лаб қилиб олиш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантириш ҳақидаги ажримда талаб қилинаётган далилни тақдим этиш муддати ва тартиби кўрсатилиб, ажрим суд томонидан талаб қилинаётган далилни сақлаётган шахсга юборилади.

Суд талаб қилаётган далилни сақлаётган шахс уни бевосита судга юбориш учун тегишли ажримни тақдим этган шахсга беради. Агар шахс суд талаб қилаётган далилни тақдим этиш имкониятига эга бўлмаса ёки суд белгиланган муддатда тақдим эта олмаса, у шу муддат ичда бу ҳақда судни, сабабларни кўрсатган ҳолда, хабардор қилиши шарт.

Далилни сақлаётган шахс талаб қилинаётган далилни тақдим этиш мажбуриятини, суд узрсиз деб толган сабабларга кўра, бажармаган тақдирда, уни сақлаётган шахсга ушбу кодекснинг 14-бобининг аломатлари ва унинг жойлашган жойи кўрсатилиши зарур. Талаб қилинаётган далилни сақлаётган шахсга жарима солиниши уни далилни судга тақдим этиш мажбуриятидан озод қилмайди.

Саволларга ТДЮУ Фуқаролик процессуал ва иқтисодий процессуал ҳуқуқи шўъбаси ўқитувчиси Хуршида ҚУРБОНОВА жавоб берди.

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Орадан уч-тўрт ойлар ўтгач, Р.Абдусатторов ўзининг номига кредит маблағи ажратилганлигини эшитади. Аммо Қашқадарё вилоятининг Шаҳрибаз туманида 1997 йилда туғилган Э.Дониёров ҳеч қандай банк муассасаси ходими эмас экан. Атиги ўрта маълумотли, иш жойининг тайини йўқ, оилали, икки нафар вояга етмаган фарзанднинг отаси бўлган бу кимса энгил йўл билан пул топишни ўзига касб қилиб олган фирибгар бўлиб чиқди.

Айтиш керакки, онлайн кредит олишнинг аниқ тартиблари бор. Жумладан, кредит маблағи доимий иш жойига эга, ойлик иш ҳақи мавжуд фуқароларгагина ажратилади. Р.Абдусатторов эса, доимий иш жойига эга эмас.

Шундай бўлса-да, Э.Дониёров ахборот тизимидан ва ахборот технологияларидан фойдаланиб, уни "Shodiyoona Yasina Islombek" масъулияти чекланган жамият ходими сифатида кўрсатган. Унинг номига 2024 йил 15 мартда "AVO BANK" акциядорлик жамиятидан 3 миллион 700 минг сўм, шу кунни "Yangi Finance" микромолия ташкилотидан 1 миллион 500 минг сўм, 2024 йил 16 мартда "Агробанк"нинг Поп тумани филиалидан 31 миллион 900 минг сўм, эртасига, яъни 17 мартда "Invest Finance Bank" акциядорлик жамиятидан 21 миллион сўм, 2024 йил 5 апрелда "Агробанк"нинг Поп тумани филиалидан яна 9 миллион 700 сўм,

жами 67,8 миллион сўм миқдоридеги маблағни кредит сифатида кўлга киритган.

Кейинчалик бу маблағнинг 20 миллион сўмини Р.Абдусатторовнинг пластик картасига ўтказган, дастлабки ойлик тўловлар учун 5 миллион 200 минг сўм миқдоридеги пулларни ҳам тўлов қилган. Қолган маблағни ўзининг шахсий манфаатларига сарфлаб юборган.

Бу фирибгар кимса Бахтишод Мардикуловни ҳам худди Р.Абдусатторов сингари ушбу масъулияти чекланган жамият ходими сифатида кўрсатади. Сўнгра унинг номига "INVEST FINANCE BANK" акциядорлик жамиятидан 2024 йил 17 мартда 21 миллион сўм, "AVO BANK" акциядорлик жамиятидан 2024 йил 15 мартда 3 миллион 700 минг сўм, жами 24,7 миллион сўм миқдоридеги маблағни кредит сифатида олади. 10 миллион сўмини Б.Мардикуловга етказиш учун унинг таниши Бекзоднинг пластик картасига кўчириб беради, қолганини ўз манфаатига сарфлайди.

Судланувчи такроран содир этган жиноят тафсилотлари бир хил. Гап шундаки, Э.Дониёров Н.Мамажонов ва Р.Аннақулов билан ҳам жиноий тил бириктирган. Уларнинг номига онлайн кредит чиқариб, пулнинг бир қисмини беришга ва қолган асосий қисмини ўзига ишлатишга келишган. Турли банк муассасаларидан Н.Мамажонов номига тўрт йил давомида 38 фоиз устама ҳақ тўлаш шарти

Жиноятга жазо муқаррар!

Фирибнинг

янги усули

судланувчини темир панжара ортига равона қилди



билан 50 миллион сўм, Р.Аннақулов номига 63,3 миллион сўм миқдоридеги маблағни кредит сифатида олган.

Суд амалиётидан маълумки, ҳар қандай жиноят ўз-ўзи-дан содир этилмайди, бунинг учун шароит, имконият юзага келиши керак. Агар мазкур жиноят иши бўйича бу ҳолатларга аниқлик киритадиган бўлсак, номи тилга олинган фуқаролар, аслида, ҳеч қаерда ишламаса-да, "Shodiyoona Yasina Islombek" масъулияти чекланган жамият ходими сифатида кўрсатилишида ушбу жамият ходими "Қамола" исми шахснинг кўли бўлган. "Қамола" иш ҳақи тўғрисидаги сохта маълумотларни тайёрлаб берган. Аммо терговда унинг шахсини аниқлаш имкони бўлмаган.

Суд судланувчи Э.Дони-

ёровни такроран, бир гуруҳ шахслар томонидан аввал-дан жиноий тил бириктириб, ўзганинг анча миқдордаги мулкни алдаш ва ишончли суистеъмол қилиш йўли билан ахборот тизимидан ва ахборот технологияларидан фойдаланиб талон-торож қилишда ифодаланган жиноий ҳаракатларини Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "б, г" бандлари билан малака-лади. Унга етти йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади.

Суд ҳукмида судланувчидан "Даврбанк"нинг Наманган вилояти филиали фойдасига 50 миллион сўм, "Инфинбанк"нинг Наманган вилояти филиали фойдасига 60 миллион сўм, "Агробанк"нинг Наманган вилояти филиали фойдасига 51 миллион 300

минг сўм, "AVO BANK" акциядорлик жамияти фойдасига 7 миллион 400 сўм, "YANGI FINANCE" микромолия ташкилоти фойдасига 1 миллион 500 минг сўм жиноят оқибати-дан етказилган зарарлар ундирилиши белгиланди.

Гувоҳи бўлганингиздек, судланувчининг фирибчи аввало ўзининг оёғига тушов бўлди. Энди у оиласи, фарзандларидан олисда кун санаб, суд томонидан тайинланган жазони ўташга мажбур. Жиноят содир қилишнинг оқибати бундан бошқача тугаши ҳам мумкин эмас.

Шухрат ХУДОЁРОВ,
жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар суди судьяси
Абдухамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Куч – адолатда" муҳбири

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМПОЕВ

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Газета 2007 йил 23 февралда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0224-рақам билан
рўйхатдан ўтган.



ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бахтиёр ИСЛАМОВ
Алишер УСМАНОВ
Олимжон ИСМАИЛОВ
Шухрат ПОЛВАНОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ

Абдуҳалим ХОЛМАХМАТОВ
Жамшид САДИНОВ
Муродулло ҚОДИРОВ
Замира ЭСАНОВА
Азиз АБИДОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи:

Шерзод
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзил: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота
кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 Е-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: яқна тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: G-215 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 6591
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 20³⁰. Топширилди: 22⁵⁵.